

## ХАЗРАТ НАВОЙ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФ ВА КОМИЛ ИНСОН ФОЯСИ


*Ахатов Лутфилло Караматуллоевич<sup>1</sup>,  
Чирчик давлат педагогика университети Гуманитар фанлар  
факультети доценти, фалсафа фанлари доктори (PhD)  
Мирахмедова Шахида Нусратиллоевна<sup>2</sup>,  
Чирчик давлат педагогика университети ўқитувчиси*

## MYSTICISM AND THE IDEA OF THE PERFECT MAN IN HAZRAT NAVAI'S WORKS

*Akhatov Lutfillo Karamatulloevich<sup>1</sup>,  
Associate Professor, Faculty of Humanities, Chirchik State  
Pedagogical University, Doctor of Philosophy (PhD)  
Mirahmedova Shokhida Nusratilloevna<sup>2</sup>,  
Teacher, Chirchik State Pedagogical University*

## СУФИЗМ И ИДЕЯ СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА В ТВОРЧЕСТВЕ ХАЗРАТА НАВОИ

*Ахатов Лутфилло Караматуллоевич<sup>1</sup>,  
доцент гуманитарного факультета Чирчикского  
государственного педагогического университета, доктор  
философских наук (PhD)  
Мирахмедова Шахида Нусратиллоевна<sup>2</sup>,  
преподаватель Чирчикского государственного  
педагогического университета*



<https://orcid.org/0000-0002-9804-6220>  
e-mail: [axatov@cspi.uz](mailto:axatov@cspi.uz)



<https://orcid.org/0009-0007-2302-2818>  
e-mail:  
[shohidamirahmedova41@mail.com](mailto:shohidamirahmedova41@mail.com)

**Аннотация:** Уйбу мақоламизда Алишер Навоий асарларидаги комил инсон борасидаги фалсафий қарашлар, сўфиylар фаолияти, ҳинд ва туркий, форс адабиёти ижодкорлари ҳақида берилган қимматли маълумотлар таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** ирфоний қарашлар, ижод, масаввуз назарияси, ҳикоят, “Тазкират ул-авлиё”, “Насойим ул-мухаббат”, умуминсоний гоя, эзгу мақсад, мумтоз адабиёт.

**Abstract:** This article analyzes the philosophical views on the perfect person in the works of Alisher Navoi, the activities of Sufis, and valuable information about the creators of Indian, Turkish, and Persian literature.

**Keywords:** mystical views, creativity, theory of Sufism, story, “Tazkirat ul-Awliya”, “Nasayim ul-Muhabbat”, universal human idea, noble goal, classical literature.

**Аннотация:** В данной статье анализируются ценные сведения, данные о философских взглядах на совершенного человека, о творчестве суфииев, создателей индийской, тюркской, персидской литературы в творчестве Алишера Навои.

**Ключевые слова:** мистические взгляды, творчество, теория суфизма, повесть, “Тазкират уль-Авлия”, “Насайим уль-Мухаббат”, общечеловеческая идея, благородная цель, классическая литература.

**КИРИШ.** Инсоният тарихида шундай зотлар борки, улардан қолган мерос замон ва маконда ўз аҳамиятини йўқотмайди. Биз ҳақли равишда Алишер Навоий ҳазратларини инсоният учун улкан маънавий мерос қолдирган улуг аллома сифатида таърифлай оламиз. Зоро Ғарб ва Шарқ оламида Навоий ижодига мурожат қилмаган, унга қизиқиш билдиримаган ҳалқ бўлмаса керак. Америкалик исломшунос олим Барри Хоберман “Saudi Aramco World” журналида чоп этилган “Chausier of Turks” номли мақоласида Навоийни Шарқ уйғониш даври асосчилари сифатида эътироф этади. Навоий ўз асарларида доимо башариятни ҳамиша эзгуликка, ижодга, ўтмишни, тилни, қадрият ва анъаналарни ўрганишга чорлаб келган.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.** Шоирнинг “Тазкират ул-авлиё” асари ҳақида сўз борар экан, аввало шуни айтиб ўтишимиз жоизки, Фаридуддин Атторгача бўлган даврда сўфийлар агиографияси борасида бир қатор асарлар ёзилган, улар ўзидан кейинги даврлар агиографик манбаларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган. Жумладан, ўзидан олдинги манбаларга таянган ҳолда ёзилган “Тазкират ул-авлиё” ўша давргача яратилган сўфийлар ҳаёти, фаолияти ва қарашлари тўғрисида хикоя қилувчи асарларда тўпланган бой тажрибаларни умумлаштирувчи китоб сифатида майдонга келган[6].

**МУҲОКАМА.** Мутахассислар Навоий асарлари сонини 30 га яқин эканлиги ва назмий ва насрий асарларида йигирма олти мингдан ортиқ сўз кўллаганлиги эътироф қиласидар.

Ҳазрат Навоийнинг асарлари дидактик моҳиятга эга бўлиб, унинг тасаввуфий-ирфоний қарашларида комил инсон ғояси марказий ўринни эгаллайди. Тасаввуф тариқати намояндаларини ўрганишда мутафаккирнинг бир қанча асарлари қимматли манба бўлиб хизмат қиласидар. Нафақат ўзбек тили, балки ўнлаб туркий тилларнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллик касб этишида Навоийнинг хизматлари бекиёс. Айрим тадқиқотчилар эса

ҳатто Муҳаммад Ғаззолий асарларини “Тазкират ул-авлиё” манбалари қаторида санаб ўтишган[3].

Эронлик адабиётшунос Сайида Марям Равзотиён “Шарҳ ат-Таъарруф” асарининг “Тазкират ул-авлиё”ни ёзишда фойдаланилган манбалар орасидаги ўрнига эътибор берган илк тадқиқотчи бўлди[5]. Равзотиён ўзининг Сайид Али Асғар Мирбоқирий билан ҳаммуаллифликда ёзган “Шарҳ ат-Таъарруф”нинг “Тазкират ул-авлиё” манбалари орасидаги ўрни” номли мақоласида “Шарҳ ат-Таъарруф”нинг “Тазкират ул-авлиё” асарларида б сўфий – Иброҳим Адҳам, Боязид Бистомий, Робия Адавия, Жунайд Бағдодий, Абу Бакр Шиблӣ ва Мансур Ҳаллож ҳаёти, фаолияти ва қарашлари тўғрисида маълумот берувчи 12 та ўхшаш қисса ва ҳикоят борлиги, жумладан, улардан 6 таси бошқа тасаввуф манбаларида ҳам келтирилганлиги, қолган 6 таси эса фақатгина ушбу икки асарда мавжудлиги тўғрисида ёзади. Бундан ташқари, ушбу эронлик тадқиқотчи “Шарҳ ат-Таъарруф” асарини нафақат “Тазкират ул-авлиё”нинг муҳим манбаларидан бири, балки ушбу асрни ёзишда фойдаланилган сўфийлик манбалари орасида энг асосийсидир, деган холосага келади[6]. Ҳазрат Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat”ни ёзишдан мақсади сўфийлар ҳаёти ва қароматлари ҳақида агиографик маълумот беришнинг ўзигина бўлиб қолмасдан, ушбу асарда тасаввуф назарияси ва амалиёти, сўфийлик ахлоқи ҳамда сўфийларнинг тасаввуфга доир турли масалалар борасидаги қарашларига ҳам тўхталиб ўтилган[7]. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳабbat”ни ёзишда ўша давргача яратилган тасаввуфга оид, жумладан, сўфийлар ҳаёти, фаолияти ва қарашларига бағишлиланган бир неча манбадан фойдаланган. Жумладан, унинг ўзи асар муқаддимасида “Нафақот ул-унс”дан ташқари Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асаридан ҳам фойдаланганини, бундан ташқари, манбаларини кўрсатмаган ҳолда Туркистон ва Ҳиндистондан етишиб чиқкан сўфийлар ҳақида ҳам маълумотлар тўплангани тўғрисида эслатиб ўтади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳабbat. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том / Нашрга тайёрловчилар: С. Фаниева, М. Мирзаҳмедова.

Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул мұхаррір: С. Рағиддинов. – Тошкент: Фан, 2001. –Б.5.

**ХУЛОСА.** Даврлар оша Навоий асарлари бутун жаҳон адабий меросида муҳим роль ўйнаб келмоқда. Унинг асарларида умуминсоний ғоя, эзгу мақсад, мумтоз адабиёт, чинакам миллат ва элат кишиларга эркесварлик мотивлари кенг ёритилган. Тасаввуф тариқатидаги комил инсон ғояси ва сўфийлар ҳаётини ўрганишда Навоий асарлари қимматли маълумотларни бера олади. Комил инсон тушунчаси моҳияти ўрганишда мутафаккир асарларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Movarounnahr nashriyoti. T.: 2017. 538-539Б.
2. Сайида Марям Равзотиён, Сайид Али Асгар Мирбокирий. “Шарҳ ат-Таъарруф”нинг “Тазкират ул-авлиё” манбалари орасидаги ўрни. – Б.9-28.
3. Комилжон Раҳимов. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотининг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). Тошкент: Akademnashr, 2020. Б. 234.
4. Шайхулислом Ҳожа Абдуллоҳ Анзорий Хиравий. Табақот ус-суфия (форс тилида) / Тахрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи Абулҳай Ҳабибий. – Кобул: Давлат матбааси, 1962.
5. Равзотиён, Сайида Марям. Ишқнинг етти шахри. Аттор Нишопурнийнинг “Тазкират ул-

авлиё” асари танқидий таҳлили борасидаги илмий лойиҳа ахбороти (форс тилида). – Исфаҳон: Университет, 2010.

6. Сайида Марям Равзотиён, Сайид Али Асгар Мирбокирий. “Шарҳ ат-Таъарруф”нинг “Тазкират ул-авлиё” манбалари орасидаги ўрни. – Б.14-26.

8. Miraxmedova Shoxida Nusratilloyevna. **Ma’naviy makonning falsafiy muammolari**//So‘nggi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi Respublika ilmiy-uslubiy jurnali. 6-jild 7-son.

9. Miraxmedova Shoxida Nusratilloyevna. “Yangi O‘zbekistonda ma’naviy-mafkuraviy islohotlar transformatsiyasining ijtimoiy-falsafiy tahlili”// Proximus Journal of sports Science and Physical Education Volime, Issue 1, January, 2024 ISSN (E): 2942-9943.

10. Akhatov Lutfillo Karamatilloyevich. Tolerance and Islamic mysticism in the works of Jami. Novateur publications JournalNX- A Multidisciplinary Peer ISS NR eNvoie: wed Journal Volume 6, issue 5 2, 5M8a1y - 24203200. Pp 293-296.

11. Akhatov Lutfillo, Madalimov Timur and Xaymetov Raimberdi. The Spiritual Connection of Sufism and Tolerance in the Works of Jami, International Journal of Multidisciplinary Research and Publications (Ijmrap), Volume 2, Issue 11, pp. 1-4, 2020.

